

---

## РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИ ТОМОНИДАН ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 декабрдаги 743-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2021-йил 22-декабрдаги 181-11-0-Қ/21-сонли “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижроси бўйича туманимизда ҳам мутасадди идоралар вакиллари томонидан кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилмоқда.**

Айтиш лозимки, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, кўп квартиралли уй-жой фондини ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини 2021-2022 йилги қиш мавсумига тайёрлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётган бўлсада, рўй бераётган фавқулодда ҳодисалар мазкур ишларнинг етарлича ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Бунга Республикамиз ҳудудларида рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар мисол бўла олади.

Бинобарин, қабул қилинган қарорга мувофиқ туман ҳудудларида аҳолини фавқулодда вазиятлардан, ис газидан заҳарланишини олдини олишга қаратилган кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Туманимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини кучайтириш бўйича олиб борилаётган тарғибот тадбирларида туман ҳокимлиги мутасадди раҳбарлари, ижтимоий соҳа вакиллари, “Ҳудудгаз Фарғона”газ таъминоти филиали Риштон тумани бўлими, туман электр тармоқлари корхонаси, фавқулодда вазиятлар бўлими вакилларининг жалб этилиши таъминланган.

Бугун Республика ишчи гуруҳи томонидан “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижроси бўйича ўрганишлар олиб борилди.

Тадбирларда асосан қиш мавсумида аҳолини газ билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек, аҳоли пунктлари ва sanoat зоналаридаги ташкилотлар ҳудудидаги ер остидан ўтувчи газ қувурларини хатловдан ўтказиб, кечиктириб бўлмайдиган носозликлар зудлик билан бартараф этилиши, эскирган ва фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган газ қувурлари босқичма-босқич янгилаб борилиши, истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари ва газдан фойдаланиш ускуналарини тўлиқ техник тафтишдан ўтказиб, уларга профилактик хизмат кўрсатилиши, шунингдек, ўзбошимчалик билан ўрнатилган носоз газ ускуналарига табиий ва суюлтирилган газ етказиб бериш тақиқланиши ва уланишга чек қўйилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-01-08 15:56:34